КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 12 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 133 (10.942)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 11 ИЮЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЯПОНИЯНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЮИЧИ КУСУМОТОНИ ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТ МУДДАТИ ТУГАГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Ю.Кусумото 2004 йилнинг сентябридан буён Ўзбекистонда Япония элчиси вазифасини бажариб келмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик кўлами барча жабҳаларда кенгайиб бораётганини таъкидлаб, элчининг юртимиздаги фаолиятига юксак баҳо берди.

Ю.Кусумотонинг мамлакатимиздаги элчилик даврида Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик юксак даражада ривожланди. Хусусан, ўтган йили Япониянинг ўша пайтдаги Бош вазири Жунъичиро Коидзуми расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу Япония Бош вазирининг нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасига биринчи ташрифи бўлди. Ушбу ташриф 2002 йилда Токиода ўтган Ўзбекистон-Япония саммитининг узвий давомидир.

Ҳозирги кунда икки томонлама муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга мос равишда ривожланиб бормоқда. Турли мақомдаги делегацияларнинг ташрифлари мунтазам амалга оширилиб, кўплаб учрашувлар, кўргазма, семинар ва форумлар ташкил этилмоқда.

Ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олиши тарафдори. Япония Ўзбекистондаги ислоҳотларни, мамлакатимиз раҳбарининг Марказий Осиё Умумий бозорини яратиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Япония ташқи сиёсатида Ўзбекистон ва минтақамизнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, интеграция жараёнларини фаоллаштириш мақсадида «Ипак йўли дипломатияси» ва «Марказий Осиё + Япония» мулоқот механизми шаклланган.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, янги режалар ишлаб чиқади.

Мамлакатимизда Япония билан ҳамкорликда очилган тўққизта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Япониянинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), «Мицуи», «Мицубиси», «Сумимото», «Нише Иваи», «Иточу», «Тойота Цусе» каби йигирмадан зиёд йирик корпорациясининг ваколатхоналари очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Масалан, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратган. Самарқанддаги автомобиль заводидан «Исузу» русумли автобуслар чиқа бошлагани қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятига яна бир ёрқин мисолдир. Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейинги даврда Япониянинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми салкам 2 миллиард АҚШ долларига етди.

Гуманитар ҳамкорлик борасида айниқса илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонлик саккиз юздан зиёд мутахассис JICA йўналиши бўйича Японияда малака оширди. Ўтган йили Японияда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фондининг ваколатхонаси очилгани маданий ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ислом Каримов бу хайрли тадбирларнинг барчасида Юичи Кусумотонинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади, элчига келгуси фаолиятида муваффақият тилади.

Ю.Кусумото ўз миссиясини бажариши давомида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, бой таассуротлар билан қайтаётганини, бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшажагини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## 2007 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларига ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 15525 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 30750 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 15525 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 30750 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 18625 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 1 августдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 10 июль*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 10 ИЮЛДАГИ «2007 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПФ-3889-СОНЛИ ФАРМОНИГА

## ШАРҲ

Фуқароларнинг моддий фаровонлигини муттасил ошириб бориш, аҳолининг аниқ ва ишончли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда ўртача иш ҳақи миқдори 2006 йилнинг охирига келиб 187,6 минг сўмга ёки 150 АҚШ долларига етди. Айни вақтда ушбу кўрсаткич саноатда 301,4 минг сўмни, алоқа тизимида - 293,8 минг ва транспорт тизимида - 285,9 минг сўмни ташкил этди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2006 йилнинг ўзидагина 44 фоиз, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда тиббиёт ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорлари эса, моддий рағбатлантиришни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 2 баравар кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ушбу Фармон мамлакатимизда аҳолининг меҳнат ҳақи ва турмуш даражасини изчиллик билан ошириб боришни таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

*(Давоми 2-бетда)*

**ПОЙТАХТНИНГ *бир куни***

**Янгиликлар, воқеалар**

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН» ЁРЛИҚЛИ КЎПЛАБ ТУРДАГИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАЁТГАНИ ТАДБИРКОР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИМИЗНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ, ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАНИ САМАРАСИДИР.**

*Қўшма корхоналарда*

## ЮКСАК СИФАТГА ЭГА

Ана шундай корхоналар орасида пойтахтимизда 2002 йилдан буён фаолият кўрсатиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан аҳоли эхтиёжини қондираётган ҳамда хориж бозорида ҳам ўрин эгаллаётган «Ройсон электроникс» масъулияти чекланган жамиятининг самарали изланишларини таъкидлаш лозим.

Корхонада ишлаб чиқариши йўлга қўйилган юқори сифатли маҳсулотлар—рангли телевизор, уй кинотеатри, кондиционер ва видеоплейерлар харидоргирлиги ва талабга жавоб бериши билан ажралиб туради. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан корхона тадбиркорлари иш бошлаган йиллардаёқ ўзининг илк маҳсулотлари билан эътибор қозонди, харидорларини топа олди. Бунинг асосий боиси эса мақсаднинг аниқлиги, тайёрланаётган товарларнинг сифати ҳамда рақобатбардошлигига қаратилган эътибордадир.



Шунингдек, бозорни ўрганиш асосида йилдан йилга маҳсулот турлари кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортмоқда, қўшимча ишчи ўринлари яратилмоқда. Ўтган йилда биргина телевизор маҳсулотининг ўзидан 100 минг дона тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилган бўлса, жорий йилда ушбу рақамни уч бараварга оширишга эришилади. Энг муҳими эса ишлаб чиқарилаётган замонавий маҳсулотларнинг бир қисми Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Келгусида эса корхона тадбиркорлари «CANDY» маркали кир ювиш машинаси ва мобиль телефонлар ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутишган.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: корхона цехларидаги ишлаб чиқариш жараёни.**

**Р.Шагаев (ЎзА) олган сурат**

16 O'ZBEKISTON · МУСТАҚИЛЛИК · INDENPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

*Мустақиллик — тақдиримда*

## ЭЛ САЛОМАТЛИГИГА КАМАРБАСТАМИЗ

**Мунира ШОҲОБОВА,**
**Учтепа туманидаги 8-оилавий поликлиниканинг бош шифокори:**

— Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамини қизғин нишонлаш арафасида Истиқлол халқимиз учун нақадар буюк неъмат эканлигини юртимизнинг ҳар бир фуқароси юрак-юракдан ҳис этмоқда. Мамлакатимиз тинчлиги, фаровонлиги, ободлиги, йилдан йилга амалга оширилаётган янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари — буларнинг бари мустақиллигимиз шарофатидандир.

Айниқса барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар юртимизда халқ саломатлигини асрашга муҳим эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Республикамизнинг барча вилоятларида, ҳатто чекка қишлоқларда ҳам янги тиббиёт масканларининг бунёд этилиши, эскиларини қайта таъмирланаётганлиги ва уларнинг бари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради, албатта. Ўн олти йилдирки халқимиз Мустақиллик нашидасидан баҳраманд бўлмоқда.

Мустақиллик менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирганлигини фахр ва ифтихор билан изҳор этгим келади. Ўтган йил мен учун ниҳоятда қувончли, унутилмас йил бўлди. Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган 8-оилавий поликлиника янгитдан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Поликлиника аҳолига бирламчи хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган барча тиббий анжомлар билан таъминланган, замонавий аппаратлар ўрнатилган. Албатта мана шундай замонавий усулда бунёд этилган, барча шароитлар яратилган кенг ва ёруғ кошонада хизмат қилаётганимиздан бахтиёрмиз. Энг асосийси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида намунали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишга катта эътибор қаратилаётганлиги барчани мамнун этмоқда. Бу албатта мустақиллигимиз меваси. Яна шуни ҳам алоҳида мамнуният билан айтишим керак, ўтган йили Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида менинг ҳам халқ саломатлигини сақлаш йўлидаги камтарона меҳнатларим ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланиб, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Бу мукофот мени янада масъулият билан ишлашга, аҳоли саломатлигини сақлашда сидқидилдан меҳнат қилишга ундамоқда. Меҳнатнинг таги роҳат деганлари шу бўлса керак. Бу мукофотдан қалбим фахр ва ғурурга тўлди. Буни истиқлолимиз неъмати деб биламан.

**XXI АСР САДОСИ**

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот кутубхона марказида кўҳна Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан яратилган сара китоблар тақдимоти ўтказилди. Қутлуғ тўй муносабати билан нашр этилган китоблар жамламаси кутубхона ахборот-ресурс марказларига бепул тарқатилади.**

**● Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани Хангли қишлоғидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Давра суҳбати дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди.**

**● Бухоро вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» танлови ташкил этилди.**

**● Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари муносабати билан Тайлоқ туманида республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда тарихчи олимлар, мутахассислар, ўқувчи ва талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ватан, Мустақиллик, эзгуликни тараннум этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар тадбирга файз бағишлади.**

**● Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида вилоят спартакиадасини ўтказди.**

**● Қарши туманидаги 41-мактабда Япония ҳукуматининг «Кичик ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури» доирасида ажратилган гранти ҳисобидан компьютер синфи ташкил этилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси Латвия Қишлоқ хўжалик савдо палатаси қошида ўзининг савдо майдонини очди. Бу Европа Иттифоқи компаниялари ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги бизнес муносабатларини янада юқори даражага кўтаришга имкон яратади.**

**● Зангиота туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ихтисослашган дўкон, дорихона ва йирик шохли қорамолни текширувдан ўтказиб даволаш учун шарт-шароитлар яратилган марказдан иборат замонавий ветеринария мажмуаси очилди.**

**● Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси «Ижтимоий ҳимоя йили»да аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратмоқда. Жумладан, Навоий шаҳридаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига комбинат томонидан «Дамас» автомашинаси совға қилинди. Ушбу муассасага шунингдек, спорт кийимлари ва анжомлари ҳам топширилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Европа Иттифоқининг молия вазирлари йиғилишида 2008 йил 1 январдан Кипр ва Мальта ҳудудида евро пул бирлиги муомаласи жорий этилишига рухсат берилди. Шу тариқа евро муомала қиладиган давлатлар сони 15 тага етди. 2009 йилдан Словакия ҳам евро пул бирлигига ўтади.**

**● Қозоғистон парламентининг юқори палатаси «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни маъқуллади. Унга кўра, эндиликда мамлакатда 12 йиллик ўрта таълим жорий этилади. Олий таълим эса бакалавриат, магистратура ва докторантура каби уч босқичли бўлади.**

**● Кеча Ливия олий суди 426 нафар ливиялик болаларга Бенгазидаги касалхонада билиб туриб СПИД касаллигини юқтирганликда айбланаётган беш нафар болгариялик тиббиёт ҳамшираси ва фаластинлик шифокорга нисбатан эълон қилинган ўлим жазосини тасдиқлади. Энди ушбу ҳукмни фақат мамлакатнинг олий қонунчилик кенгаши кўриб чиқиши ва ўзгартириши мумкин.**

**● Покистон пойтахти Исломободдаги Қизил масжид ҳудудини кеча мамлакат армияси тўлалигича эгаллади. Ҳужум чоғида радикаллар етакчиси Абдул Рашид Ғози ҳамда 200 нафарга яқин террорчи ўлдирилди. Бугун мамлакат Президенти Парвез Мушарраф терроризмга қарши курашнинг янги стратегиясини эълон қилиши кутилмоқда.**

**● Италия полицияси мамлакатдаги машҳур «Ndrangheta» мафияси аъзолари сифатида гумон қилинган 60 кишини ҳибсга олди. Улар уюшган жиноятчилик, гиёванд моддалар савдоси, зўравонлик, қурол-яроғ сақлаш каби жиноятларда айбланмоқда.**

**● Буюк Британия қироллик суди 2005 йил 21 июлда Лондонда амалга ошириб улгурилмаган террорчилик ҳаракати ташкилотчиларига нисбатан ҳукм чиқарди. Асли келиб чиқиши Африка қитъасидан бўлиб, Буюк Британияда яшаётган 4 нафар террорчи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.**

**●Европа Иттифоқи Саҳрои Кабир орқали Нигериядан газ қувури ўтказишни режалаштирмоқда. Қувурнинг узунлиги 4,3 километрни ташкил этиб, мазкур лойиҳанинг қиймати 9,5 миллиард долларга баҳоланмоқда.**

**● Америка махсус хизмати «Ал-Қоида» ташкилоти томонидан мамлакат ҳудудида террорчилик ҳаракатини амалга оширишга тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисидаги маълумотни қўлга киритди. Шу муносабат билан Оқ уйда фавқулодда йиғилиш ўтказилди.**

*Аёл борки, олам мунаввар*

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

*Фармон ва ижро*

## ОИЛАЛАР ТОТУВЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ташкил қилиниб, бу вазифага катта ҳаётий тажрибага эга бўлган аёллар сайландилар. Бугунги кунда мазкур вазифада фаолият олиб бораётган маҳалла маслаҳатчиларининг олиб бораётган ишларини таҳсинга сазовор дейиш мумкин.**

Жумладан, Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида Фармон ижросини таъминлаш бўйича диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимига номзодлар сайланган вақтда кўпчилик мана шу маҳалланинг жонкуяр, ҳаётий тажрибага эга,зиёли, фаол аёли Раъно Йўлдошевага ҳеч иккиланмай овоз беришди. Мана бир неча йилдан буён Раъно опа шу вазифани сидқидилдан адо этиб, маҳалладошларининг ишончини қозониб келмоқда. Маҳаллада ўтказиладиган байрам тадбирлари бўладими, ёки учрашув кечалари, давра суҳбатлари ё танловлар бўладими, шу билан бирга бирор хонадонда тўй-маърака ва турли маросимларда ҳам Раъно опа бош-қош ва маслаҳатдош бўлиб келмоқда.Айниқса, оилалар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашда, хонадонларда юзага келган муаммолар, келишмовчиликларни бартараф этишда опанинг саъй-ҳаракатлари диққатга сазовордир.

— Маҳалламизда 5200 нафар аҳоли истиқомат қилади,шулардан 3600 нафарини аёллар ташкил этади, —дейди «Гулистон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Йўлдошева.—Аввало маҳалладошларим Президентимиз Фармонларига мувофиқ менга ишонч билдириб шу вазифага сайлашгач, зиммамда катта масъулият борлигини ҳис этдим ва ишни маҳалланинг тарихи, унда истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш шароитлари билан секин-аста танишишдан бошладим. Ўзимга ажратилган хонани зарур анжомлар билан жиҳозлаб, қабулимга келган кишилар билан бемалол суҳбатлашиб, уларнинг дилидаги сўзларини эшитишга,муаммоларини ҳал қилишга имконият яратдим. Шунингдек, Президентимиз Фармонларига асосан маҳаллада олиб бориладиган ишларнинг режаси тузиб олинди ва шу режа асосида иш олиб боряпмиз. Режага кўра асосан турли диний оқимларга мойил инсонлар билан иш олиб бориш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис ҳам маҳалламизнинг кундалик ҳаётини ҳар бир оиладаги вазиятни, муҳитни ўрганиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига диққат-эътиборни қаратдик. Бундан ташқари ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларнинг оғирини енгил қилиш, муҳтожларга кўмак бериш бош мақсадимизга айланди. Албатта, бу ишларни маҳалламиз оқсоқоли Бобохон Алимов ва хотин-қизлар комиссияси раиси Манзура Мадраҳимова ҳамда маҳалланинг бошқа фаоллари ҳамкорликда бамаслаҳат амалга ошириб келяпмиз. Яна шуни таъкидлаш керакки, маҳалламизда ҳафтанинг ҳар шанба куни «ҳуқуқий саводхонликни ошириш куни», чоршанба эса «саломатлик куни» деб белгиланган ва шу куни мутахассислар иштирокида маҳалла аёллари ва ёшлари ўртасида «Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми? мавзуида давра суҳбатлари ўтказиб келиняпти. Саломатлик кунида эса аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида мутахассислар билан учрашувлар ташкил этиляпти, 20 ва 36-оилавий поликлиникалар билан ҳамкорликда аёллар тиббий кўрикдан ўтказиляпти ҳамда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар тиббий патронажи амалга оширилмоқда. Бундан ташқари маҳалламизда маънавий-маърифий тадбирлар, танловлар мунтазам ўтказиб келиняпти. «Менинг оилам», «Энг намунали қайнона», «Энг намунали келин», «Энг намунали қиз», «Энг намунали кўча» танловлари шулар жумласидандир. Шу билан бирга маҳаллада Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандларига маҳаллада турли хил тўгараклар ташкил қилинган. Бисер, тикиш-бичиш, болалар учун дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги ва шу каби тўгараклар ёшларнинг севимли масканига айланган. Ҳунар эгаллаш истагида бўлган ёшларни эса ўқув курсларига жойлашишларига, уйда ўтирган ишсиз келинларнинг 20 нафарини ишга жойлаштиришга эришдик.

Маҳалланг—ота-онанг,деган гап бежиз айтилмаган. Мен шу маҳаллам осойишталиги, ободлиги, тинчлиги учун бор билим ва тажрибамни аямай қўлимдан келганча юрт корига яраб, маҳалладошларимга озми-кўпми ёрдамим тегаётганидан бахтиёрман.

Ҳа, Раъно опанинг ўз ишига масъулият билан ёндошиб, маҳалласида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фахрланиб, тўлқинланиб айтган сўзларини тинглаб, қалбида олам-олам эзгу мақсадлар ила маҳалла иши, маҳалладошлари тинчлиги, бахту саодати йўлида камарбаста бўлаётган Раънохон опадек тиниб-тинчимас, заҳматкаш инсонлар доимо орамизда бор бўлсин дегимиз келди.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**ҚИЗ БОЛА — ОИЛАНИНГ ГУЛИ, ФАРИШТАСИ, БЎЛҒУСИ БЕКА. ШУ БОИС ҚИЗ БОЛАНИ ЁШЛИГИДАН ПАЗАНДАЛИК, ТИКУВЧИЛИК, ҲАМШИРАЛИК ВА ҲОКАЗО ҲУНАРЛАРГА ЎРГАТИШ ОТА-ОНАНИНГ БУРЧИ. БУ КАБИ ҲУНАРЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ҚИЗ ЯНГИ ОИЛАГА КЕЛИН БЎЛИБ БОРГАЧ, ЎЗ ҲУНАРЛАРИ БИЛАН АТРОФДАГИЛАРНИНГ ҲУРМАТ-ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНАДИ, «БАРАКАЛЛА, ҲУНАРЛИ ҚИЗ ЭКАН», ДЕБ ДУО ҚИЛИШАДИ.**





*Ўқув марказларида*

## «ГУЛНОРА-ОНА» ҚИЗЛАРИ

Қизларни мустақил оила қуришга тайёрлаш, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимизни кенгроқ тушунтириш ҳамда уларнинг онгида маънавий ва жисмоний соғлом турмуш тарзини, тежамкорлик каби фазилатларни шакллантириш, касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси қошида шаҳар «Гулнора-она» оила маркази 1998 йилдан буён самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур марказ Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш котибияти ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлиги остида ишлайдиган, ўзини-ўзи бошқарадиган ташкилот бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси Раёсати қарорлари асосида фаолият кўрсатади ҳамда ўз Низомига асосан иш олиб боради.

— Оила марказининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, оила жамиятнинг асосий бўғини эканлигини инобатга олиб, «Оила» кодексини ҳамда Оила дастури ижросини таъминлаш, ҳар бир оила қурувчи ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ўсиб келаётган авлодни Ватанга, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборатдир,— дейди «Гулнора-она» оила маркази раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулнора Йўлчиева.— Шунингдек, ёшлар онгига оиладаги миллий анъаналарни, қадриятларни сингдириш, янгича ҳаёт тарзини тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик, тежамкорлик, рўзғор тутиш, фарзанд тарбиялаш, касб-ҳунар ўргатиш, кам таъминланган, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, хайрия тадбирларини амалга ошириш каби вазифаларни ҳам амалга ошириб берамиз. Шу мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун марказимизда қуйидаги йўналишлар бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оила ҳамшираси, бичиш-тикиш, модельерлик, ошпазлик, қандолатчилик, меҳмон кутиш сирлари, сартарошлик, орасталик, визаж, косметика ҳамда автомобиль ҳайдашни ўргатиш, компьютер сабоқлари, инглиз тили, шунингдек, марказда руҳшунос маслаҳатлари ҳам берилади. Бу ўқув курсларида ёшларга М.Маъруфова, С.Ғаниева, Д.Турдибоева, З.Салихова, Р.Байрамова, М.Маҳмудов сингари тажрибали мутахассислар сабоқ беришади, касб-ҳунарга ўргатишади. Марказда бундан ташқари ёшлар ўртасида оила мавзусида турли хайрия тадбирлари, қизиқарли учрашувлар, танловлар ўтказиб келинади. Ҳар йили ўқув марказини 500 нафарга яқин ёшлар битиришади. Қувонарлиси, уларнинг 60 фоизга яқини доимий иш ўрнига эга. Айримларининг ўз хусусий корхоналари мавжуд. Кам таъминланган оила фарзандларига бепул касб-ҳунар ўргатилади.

Дарҳақиқат, мазкур марказни бежиз «Гулнора-она» ўқув маркази дейишмайди. Бу марказга борган киши замонавий жиҳозлар билан таъминланган, ёруғ ва ораста ўқув хоналаридаги саранжом-саришталик, ёшларга ғамхўрлик, хушмуомалаликни, меҳрибонликни кўриб, Гулнора опа ҳақиқатан ҳам қизларга онабоши эканлигини, ҳар бир қизни ўз фарзандидек кўриб, жонкуярлик билан маслаҳатлар беришининг гувоҳи бўлади. Ўйлаймизки, «Гулнора-она» марказида сабоқ олган қизлар албатта келгусида ҳар томонлама камолга етиб, ҳаёли-иболи, оқила ва қўли гул, ҳунар эгаси бўлиб етишади. Ва албатта эл дуосию раҳматини олишади. Энг муҳими, оиланинг бахтли бекаси бўлишади.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Гулнора-она» оила маркази фаолиятидан лавҳалар**

*Қатра*

## ЭНДИ СИЗ ОМОН БЎЛИНГ

**ЮРАГИМДА УЗИЛМАСИН ЯНА БИР ТОР, АЙРИЛИҚЛАР ЖАФОСИДАН КЎНГЛИМ БЕЗОР, БЕТОБ БЎЛМАНГ, СИРА ЎЛМАНГ ЖОНИМ ОПАМ, ЙЎҚСА ДУНЁ МЕНИНГ УЧУН БЎЛАР ОЗОР.**

Онам кетди лабларида исмим қотиб, дадам кетди изларидан ғамга ботиб, аммам, тоғам олти ойда бирга кетди, у дунёнинг айвонига ўрин солиб. Менчи бўзлаб қолавердим уввос солиб, бор дардимни юрагимга жамлаб, кўмиб. Бу дунёнинг ташвишидан безор бўлган қондошларим уйнда ётар ором олиб.

Суянганим, ишонганим сирдошимсиз, дардларимни эшитгувчи дилдошимсиз, борганимда қучоқ очиб, минг ўргилиб кутиб олар мезбонимсиз жоним опам. Бухоронинг йўлларида икки кўзим, опа сизга Худо берсин энди тўзим, шунча дардни кўтаришга қийналган, юрагингиз омон бўлсин, омон бўлсин.. Бетоб бўлманг, ётиб қолманг жоним опам, ахир сиз менинг энг яқиним ва ягонам, яхши-ёмон кунларимда ҳамроҳ бўлган дардкашгинам, мунисгинам ва ҳамхонам.

Опажоним, илтимосим оғриманг ҳеч, армон, азоб сен бир кунгина бизлардан кеч. Опа сиз ҳам мағрур бўлинг, дадил бўлинг, ёнгинамда то умрбод бирга қолинг. Фарзандларингиз бахтига бардам бўлиб, кучингизни йиғиб олинг. Дардингизга дармон бўлай, бетоб бўлманг, оғриқларингизни ўзим олай, бемор бўлманг, керак бўлса ёнингизда доим туриб, ўзим сизга мадор бўлай, жоним опам.

— Ўзинг асра касал бўлма,— дер эдингиз, бизни ўйлаб ич- этингиз ер эдингиз, аёл бўлиб, опажоним бу дунёда, айтинг қандай бахтли кунларни кўрдингиз? Ёрингизни олиб кетди машъум ажал, келин бўлиб киймадингиз атлас ял-ял, ёш бошингиз беваликда ўтиб кетди, сочларингиз бир кечада бўлди қиров, дардингизни достон қилиб юрмадингиз, сиздайин бардошли опа айтинг, ахир қаерда бор?

Сиздан бошқа опам ҳам йўқ, синглим ҳам йўқ, бетоблигингиз юрагимга қадалди мисли ўқ. Сизга соғлик, узоқ умр, менга сабр берсин Худо. Иккаламиз учун ҳали энг саодатли кунлар бор, у кунларда омад ва бахт бўлар бизга доимо ёр.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Билиб қўйган яхши*

## ЁШ КЕЛИНЧАКЛАР ГИГИЕНАСИ

**Маълумки, ёшлар мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйгач тўйдан сўнг уларнинг организмида жиддий биологик ўзгаришлар жараёни бошланади. Айниқса ёш келинчаклар организмида шиддатли эндокрин ўзгаришлар кечади. Қуйида биз «Янги келинларни соғломлаштириш тизими қоидалари»дан баъзиларини келтириб ўтамиз.**

● Ёш келинчак тўйдан олдин ўз танасидаги мавжуд инфекция ўчоқлари (чириган тишлар, сурункали тонзиллит, йирингли ангина, турли хил шамоллаш асоратлари...)ни бартараф этиши, даволаниши зарур.

● Ёш келинчак ширинликларга ружу қўйиши, кўп миқдорда серёғ таомлар истеъмоли туфайли семириб кетишдан сақланиши лозим. Семириш туғруқ нособзликларига олиб келади, келинчакнинг юрак-қон томир тизимининг жиддий шикастланишига сабаб бўлади.

● Эндокринолог доимий кўриги ёш келинчакда энди ривожланиб келаётган қалқонсимон без касаллиги, бўқоқ ва ундаги темир ва йод етишмовчилигининг олдини олади, даволайди.

●Ўткинчи асабий тажангликлар кўпинча бўлғуси ҳомилани абгор қилади.

Азиз аёллар, бўлғуси оналар, фарзандингиз соғлом бўлсин десангиз, аввало ўзингизнинг саломатлигингизга эътибор беринг. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Буни унутманг.

*Назм бўстонида*

## АЁЛНИНГ...

*Ҳар эркак ҳам бўлолмас*
*Вафодори аёлнинг*
*Ҳамма эр ҳам бўлолмас*
*Сазовори аёлнинг.*
*Оро берур достонга,*
*Ибрат эрур бўстонга,*
*Офтобу Ой осмонга-*
*Гул рухсори аёлнинг.*
*Аёл борки, кўнгил бор,*
*Она, опа,сингил бор.*
*Нима оғир, енгил бор,*
*Бари кори аёлнинг.*
*Дунёнинг хуш лаззати,*
*Жаҳоннинг ҳам жаннати,*
*Раҳмати ё лаънати-*
*Бу дийдори аёлнинг.*
*Ҳолинг надир, бўл огоҳ,*
*Тополмайсан ҳеч паноҳ,*
*Учраб қолса баногоҳ-*
*Гар маккори аёлнинг.*
*Борингни бўлдирмагай,*
*Йўғингни тўлдирмагай,*
*Шунчаки ўлдирмагай,*
*Чаён, мори аёлнинг.*
*Қўлида жон риштаси,*
*Ҳаётинг саришташи,*
*Дилгинанг фариштаси—*
*Чин дилдори аёлнинг.*
*Қалбинг ёритса кундай,*
*Дардинг аритса тундай,*
*Бўласан-да сўнг шундай—*
*Интизори аёлнинг.*
*Етолмайсан пул билан,*
*Зўру зару гул билан,*
*Бўлгин аввал дил билан—*
*Харидори аёлнинг.*
*Гар кўнгилда бўлса гард,*
*Ё кўнгилда бўлса дард,*
*Бу оламда ҳамма мард—*
*Гирифтори аёлнинг....*

**Бобур БОБОМУРОД**

*Сўранг, жавоб берамиз*

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Бугун саволларга Юнусобод туманидаги 6-нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ жавоб беради.**

## ҚОНУНИЙ МЕРОСХЎР КИМ?

**Фуқаролик кодексига кўра мулкка ворислик икки хил шаклда — васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Васият қилинмаган ёки мерос мулкнинг тақдири бирор шаклда белгиланмаганда, қонун бўйича ворислик келиб чиқади. Хўш, аслида мероснинг ўзи қандай ҳолда ва қай тартибда очилади?**

**У. Сафарова,**
**Шайхонтоҳур тумани.**

— Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчига қариндошлик муносабатларида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига киради ҳамда қариндошлик даражасига қараб ворисликка чақирилади. Олдинги навбатдаги меросхўрларнинг бўлмаслиги, нолойиқ меросхўрларнинг меросдан четлаштирилганлиги ёки меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечганлиги тасдиқланган тақдирда мерос олиш ҳуқуқи кейинги навбатдаги меросхўрларга ўтади. Мерос қолдирувчининг болалари (жумладан фарзандликка олинган болалари) эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) қонун бўйича тенг улушларда биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради. Лекин қонуннинг шу талабини лозим даражада билмаслик кўп жанжалларни келтириб чиқаради. Мулкни кўпроқ эгаллаш илинжи эса яқин қариндошлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилишига олиб келади. Албатта, бунда қонуний йўл тутилса турли кўнгилсизликларнинг олди олинади.

## ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ КИМЛАР?

**Суд жараёнларида халқ маслаҳатчиларининг вазифалари нималардан иборат ва улар қандай ваколатларга эга?**

**Б.Бекмуродов,**
**Бектемир тумани.**

Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади. Ишларни кўришда халқ маслаҳатчиларининг иштироки одил суднинг демократизм ва қонунийлик тамойилига бўйсунишнинг энг аҳамиятли шарти бўлиб ҳисобланади. Қонунга сўзсиз бўйсунган, суд иштирокчиларига холис муносабатда бўлган ҳолда ҳақиқатни аниқлаш мажбурияти тўлиқ суд таркибига, раислик қилувчига, халқ маслаҳатчиларига бир маромда тегишлидир. Иш бўйича раислик қилувчи судья суд ҳаракатларини халқ маслаҳатчиларининг ҳаттоки биттаси йўқ бўлган тақдирда ҳам амалга оширишга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда заҳирадаги халқ маслаҳатчиси қатнашади. Суд мажлисида барча масалалар судья ва халқ маслаҳатчилари томонидан биргаликда овозларнинг оддий кўпчилиги билан ҳал қилинади.

25 ёшдан кичик бўлмаган фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларни бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади. Уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллар бундан мустасно.

## НАБИРАМГА СОВҒА ҚИЛМОҚЧИМАН

**Мен ўзимга тегишли бўлган автомашинани набирамга совға қилиб ўтказиб бермоқчи эдим. Бу тўғрида кимга мурожаат этсам бўлади?**

**Х.Фаёзов,**
**Чилонзор тумани.**

Бу масалада сиз ўзингиз яшаётган жойдаги яқин нотариал идорага қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатларни, шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатлар ва автомашина ҳужжати билан мурожаат этиб автомашинангизни набирангизга ҳадя этиш шартномасини тасдиқлатишингиз мумкин.

## УЙ-ЖОЙДАН КЎЧИРИШГА ҲАҚҚИ БОРМИ?

**Менинг оилам билан яшаётган уй қайним номига марҳум қайнотамдан мерос бўлиб ўтган. Ҳолбуки эрим ҳам шу отанинг қонуний фарзанди. Бу хонадонга келин бўлиб тушганимга 13 йил бўлган. Шу хонадонда доимий рўйхатда турамиз. Афсус автоҳалокат туфайли турмуш ўртоғимнинг вафот этганига уч йил бўлди. Икки нафар фарзандим бор. Ҳозирги кунда қайним мени уй-жойдан кўчиб кетинг, уй менинг номимда деб жанжал қиляпти. Айтингчи, мен оилам билан қаерга боришим мумкин. Қайнимнинг талаби тўғрими?**

**Ч.Худойберганова,**
**Яккасарой тумани.**

Сиз оилангиз билан яшаётган уйда доимий рўйхатда бўлсангиз, уй эгаси қайнингиз бўлса ҳам сизнинг бу уйда яшаш ҳуқуқингиз бор. Қайнингизнинг сизни уйдан кўчириш тўғрисидаги талаби ноқонуний. Сиз фарзандларингиз билан шу уй-жойда яшашга тўла ҳақлисиз.

## ИСМИМНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ ЭДИМ

**Менга қўйилган исм негадир ҳеч ёқмайди. Уни ўзгартирмоқчи эдим. Бу борада қайси идорага мурожаат этсам бўлади?**

**Х.Ҳамидов.**
**Миробод тумани.**

Аввало исм кишига гўдаклик чоғидан яхши ниятлар билан ота-она томонидан қўйилади. Агар сизга ўз исмингиз ёқмаса, уни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, турар жойингиздаги ФҲДЁ идорасига мурожаат этишингиз мумкин.

